ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ ЗАРБДОР ВАХТАСИДА


ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЗМОҚДА

✦ ПОЙТАХТ областининг ўн нафар илғор пахтакорн юбилей йилида ҳосилдорликни 50—60 центнерга етказиш юзасидан қимматли ташаббус билан чиққанларидан сўнг бу ватанпарварлик ҳаракати барча пахтакор хўжаликларга кенг ёйила бошлади. Бугунги кунга келиб ўнлаб илғор бригада коллективлари оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиб, 50 центнерлик маррани эгаллаш учун қизғин кураш бошлаб юбордилар.

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг Улжабой Исроилов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам ана шундай юксак маррани кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Чигит қисқа муддатларда сифатли қилиб экилди. Бироқ кўкламда ёғингарчилик кам бўлганлиги туфайли уни тупроқ намига тўла ундириб олишнинг иложи бўлмади. Шунинг учун ҳам бригада сувчилари ўз маҳоратларини ишга солдилар. Барча карталарга ўқ ариқлар олинкб, чигит суви берилди.

Айни кунларда дастлаб сув тараллган карталарда нихоллар бир текис униб чиқиб, кўзга ташланиб қолди. Энди асосий эътибор биринчи культивацияни вақтида ўтказишга қаратилмоқда.

А. Абалян фотоси.



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 74 (5935).

15 АПРЕЛЬ ЖУМА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КОМСОМОЛ-ПАРТИЯНИНГ СОДИҚ ЁРДАМЧИСИ

Л. И. БРЕЖНЕВГА КОМСОМОЛ БИЛЕТИ ВА ВЛКСМ ФАХРИЙ НИШОНИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ТОПШИРИЛДИ

14 апрель куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга 1-сон комсомол билети ва Ленин комсомолининг олий мукофоти—ВЛКСМнинг Олтин Фахрий нишони тантанали вазиятда топширилди. Леонид Ильич Брежнев комсомол олдидаги, халқаро ҳаракати олдидаги жуда катта хизматлари, ВЛКСМ сафларидаги актив иши учун, комсомол ва совет ёшлари тўғрисида ленинча ғамхўрлик қилаётганлиги учун шу муносабат билан чиққанларидан сўнг бу ватанпарварлик ҳаракати барча пахтакор хўжаликларга кенг ёйила бошлади. Бугунги кунга келиб ўнлаб илғор бригадалар коллективлари ўз маҳоратларини ишга солдилар.

Барча карталарга ўқ ариқлар олинкб, чигит суви берилди.

Айни кунларда дастлаб сув тараллган карталарда нихоллар бир текис униб чиқиб, кўзга ташланиб қолди. Энди асосий эътибор биринчи культивацияни вақтида ўтказишга қаратилмоқда.

А. Абалян фотоси.

Пировардида Е. М. Тяжельников бундай деди:

Ленин комсомоли, совет ёшлари Октябрнинг революцион байроғига, Ленин васиятларига, партия ишига ҳамиша содиқ бўлиб қоладилар, деб Сизни, Сиёсий бюрони, КПСС Марказий Комитетини, Коммунистик партия ва совет халқини ишонтиришга ижозат бергайсиз.

КПССнинг содиқ ёрдамчиси ва жанговар резерви бўлган Ленин комсомоли партиянинг ҳар қандай топшириғини, Ватаннинг ҳар қандай буйруғини бажаришга тайёр. Ленин комсомоли, совет ёшлари бутун кучлари, илҳомбахш меҳнатлари, ғайрат шижоати ва ижодларини КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширш учун, коммунизм ва Ер юзида тинчлик учун фидокорона курашга сарфлай берадилар.

Л. И. Брежнев комсомол билетини ва Ленин комсомолининг Фахрий нишонини қабул қилар экан, бундай деди:

Ўртоқ Е. М. ТЯЖЕЛЬНИКОВ нутқи

Азиз Леонид Ильич!

Комсомол, совет ёшлари КПССнинг ленинча йўлини яқдиллик билан маъқуллайдилар ва чексиз қўллаб-қувватлайдилар. Ленин заковатининг буюк ғайрати, Ленин қалбининг тепиши партиянинг ишлари ва зафарларида, унинг Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ижодий фаолиятида яшаб турибди.

Азиз Леонид Ильич, Сиз партия билан халқнинг таниқли раҳбарисиз.

Леонид Ильич, Сизнинг қаҳрамонона ҳаётингиз комсомоллар ва ёшлар учун коммунизмга садоқат билан хизмат қилишнинг яққол илҳомбахш намунасидир. Партиянинг содиқ фарзанди, унинг улуғ меҳнатчиси ва мард солдати бўлган Сиз ҳамиша энг қийин жойларда: дастлабки беш йилликларнинг тинч фронтларида, Улуғ Ватан урушининг оловли фронтларида, қўриқ ерларнинг тилларда достон бўлган фронтларида ишладингиз. Ҳозир Сиз энг муҳим, энг масъулиятли ва энг олижаноб фронтга — коммунизм ва Ер юзида тинчлик учун курашга бошчилик қиласпсиз.

Ғоят чуқур ғоявий эътиқодингиз, большевикча эҳтиросингиз, ташкилотчилик талантингиз, баҳодирона фаолиятингиз, дилкашлигингиз, улуғвор инсонийлигингиз, камтарлик ва самимийлигингиз туфайли партия, халқ, Ленин комсомолининг буюк обрў эътибори, астойдил иззат-ҳурмати ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлдингиз.

Сиз ўз комсомол билетингизни В. И. Ленин ҳаёт чоғида олгансиз. Комсомол Сиз учун катта мактаб бўлганлиги, Сиз комсомол сафида коммунизмни ўрганганлигингиз, ҳаёт, синфий кураш, янги жамият қуришнинг мураккаб фанини эгаллаганлигингиз, революцион характерни чиниқтирганлигингиз билан фахрланамиз.

Сиз алоҳида вазифани бажарувчи қисмнинг жангчи комсомолидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарига, ишчи ўспринликдан замонанинг энг йирик сиёсий ва давлат арбобигача, курсантдан Совет Иттифоқи Маршалигача бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтдингиз.

Ҳозир ҳам Сиз жўшқин руҳингиз, қайноқ қалбингиз, кучғайратингиз ва оптимистлигингиз билан комсомол бўлиб қоласпсиз.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли Евгений Михайлович!

Азиз ўртоқлар!

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг менинг номимга ёзилган 1-сон аъзолик билетини ва Ленин комсомолининг Олтин Фахрий нишонини табиий тўлқинланиш ва зўр миннатдорчилик туйғуси билан қабул қиламан.

Йигирманчи йилларнинг комсомоли бўлган мен учун бу тантанали маросим айниқса завқлидир. Шу пайт улуғ Ватанимиз уфқида эндигина социализм тонги отаётган давр, эндиликда деярли афсонага айланиб қолган олис йиллар тўғрисидаги кўпгина хотиралар эсга тушади.

Аммо гап шахсий эсдаликларда эмас, албатта.

Бу билет билан нишоннинг топширилишини Ленинчи партиямиз билан комсомолни бирлаштириб турган узилмас ришталар рамзи, деб биламан. Буни мен ёшларнинг партияни ўз йўлбошчиси ва устози деб билиб, уни ҳурмат қилаётганликларининг белгиси деб, ёшларнинг социалистик Ватанимизга ва коммунизм қурилиши буюк ишига садоқати рамзи, деб биламан.

Комсомол партиянинг халқ бахт-саодати учун, порлоқ идеалларимизни амалга ошириш учун курашида ҳамиша унинг содиқ, ишончли ёрдамчиси ва таянчи бўлиб келди ва доимо шундай бўлиб қолишига аминман.

Шу кунларнинг комсомоли—коммунистик қурилишнинг актив, жанговар иштирокчисидир. Комсомоллар КАМАЗда ҳам, БАМда ҳам, замонамизнинг бошқа ўнлаб ва юзлаб катта ва кичик корхоналари ҳамда қурилишларида, колхоз ва совхозларимизнинг бепоён далаларида зўр ғайрат, ташаббускорлик билан ишламоқдалар. Комсомолларнинг меҳнат жасоратлари ва ташаббусларини санаб адо этиб бўлмайди.

Комсомол, ажойиб совет ёшларимиз совет маданиятини, социалистик фанимиз ва санъатимизни ривожлантиришга, янги авлодларни тарбиялашга, халқ сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Қўшганда ҳам кўпинча янгилик излаб, новаторлик ва ёшлик шижоати билан ҳисса қўшмоқдалар. Бу ҳиссанинг аҳамияти бебаҳодир.

Комсомол ва комсомоллар ўзларининг ленинча байроғини шараф билан кўтариб борадилар, доимо партияга садоқатли, ақл идроклари ва диллари билан, ўз ишлари билан садоқатли бўладилар, деб ўз номимдан, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси номидан ишонч билдиришга ижозат бергайсиз, ўртоқлар. Мамлакатимиз комсомолларига шонли юбилей — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини хўжалик ва маданий қурилишимизнинг, севикли Ватан мудофаасини мустаҳкамлашнинг ҳамма участкаларида, коммунизм учун курашимизнинг ҳамма фронтларида янги-янги ғалабалар билан кутиб олишларини тилашга ижозат бергайсизлар!

Раҳмат сизларга, азиз дўстлар!

* * *

Ишлаб чиқариш илғорлари—Иваново камвол комбинатининг тўқувчиси Валентина Голубева, Братцевск паррандачилик фабрикасининг парранда боқари Антонина Антипова, ленинградлик студент, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов, СССРнинг космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Петр Климук, Лихачев номли завод комсомол комитетининг секретари Владимир Носов, Москвадаги мактабнинг бош пионер вожатийси Любовь Кондратова, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари ва бюро аъзолари Леонид Ильич Брежневни самимий табрикладилар.

(ТАСС).

ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИНИНГ БУЗИЛМАС ПРИНЦИПЛАРИ

Тошкентда «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси ўз ишини давом эттирмоқда.

14 апрель куни олимларнинг ана шу мўътабар анжумани қатнашчилари кун тартибида белгиланган проблемаларни секцияларнинг мажлисларида муҳокама қилдилар. Сўзга чиққан нотиқлар конференция қатнашчиларига йўллаган табрикномасида айтган самимий сўзлари ва истаклари учун олимларга, жумладан марксизм-ленинизм фани проблемалари устида ишлаётган олимларга доимо жуда катта эътибор бераётганлиги учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар.

«Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча ҳамкорлиги — амалдаги интернационализмдир» секциясининг ишини секция раҳбари — академик, СССР Фанлар академияси этнография институтининг директори Ю. В. Бромлей бошлади. У «Социализм қурилишидаги интернационал ва миллий хусусиятлар» деган мавзуда доклад қилди.

Секция мажлисида олимлар халқларнинг қардошлик оиласидаги иқтисодий ва маънавий ҳамдўстликнинг кўлгина масалаларини — Совет ҳокимиятининг олтмиш йили мобайнида мамлакатимизда тўпланган тажрибани, назарий ва конкрет-тарихий характердаги шу асосий мавзунинг турли жиҳатларини кўриб чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг сектор мудири, тарих фанлари доктори М. И. Куличенко «Социалистик интернационализмнинг бойиши, мазмуни ва намоён бўлиш шакллари, синфсиз жамият қурилишидаги ролининг кучайиши» деган мавзуда, СССР Фанлар академияси СССР тарихи институти директорининг ўринбосари, тарих фанлари доктори В. П. Шерстобитов «Октябрь ғалабасининг интернационал аҳамияти ва СССРда социализм қурилиши», Эстония ССР Фанлар академиясининг вице-президенти В. А. Маамяги «Балтика бўйи меҳнаткашларининг Советлар ҳокимияти учун курашга қўшган интернационал ҳиссаси», Чехословакия Компартияси Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитети олий сиёсий мактабининг ректори В. Квеш «Марксизм-ленинизмга ва пролетар интернационализмига садоқат — Улуғ Октябрь мақсадларини янада муваффақиятли бажаришнинг ҳал қилувчи шарти», СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, СССР Фанлар академияси фалсафа институтининг бўлим мудири Ц. А. Степанян «Социалистик жамиятнинг ривожи — социалистик интернационализм ленинча принципларининг амалдаги мужассами» тўғрисида илмий ахборотлар билан чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг сектор мудири Р. Х. Аминова, шу институт директори, тарих фанлари доктори М. О. Охунова, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий Фанлар академиясининг профессори В. П. Наумов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги тарих институтининг директори Э. Ю. Юсупов ва бошқалар ҳам секция мажлисида муҳокама этилаётган мавзунинг актуал масалалари юзасидан ахборот бердилар.

«Ҳозирги даврда меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги ва уни ривожлантириш» секцияси ишида кўпгина совет ва чет эл олимлари ҳамда жамоат арбоблари қатнашдилар. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Т. Т. Тимофеев мажлисни кириш сўзи билан очди.

Секция мажлисида СССР Фанлар академияси халқаро ишчилар ҳаракати институтининг бўлим мудири О. Н. Меликян «Социалистик ҳамдўстлик давлатларининг ишчилар синфи ва социалистик интернационализм принципларининг амалда рўёбга чиқиши» тўғрисида, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети ҳузуридаги сиёсий ахборотлар институтининг директори Я. Голембовски «Интернационализм — ишчилар ҳаракати сиёсати ва идеологиясининг асоси (Польша мисолида)», Украина ССР Фанлар академияси тарих институтининг бўлим мудири А. Н. Шлепаков «Иккинчи жаҳон уруши йилларида антифашист бирдамлик ҳаракатининг тарихий тажрибаси», Германия Коммунистик партияси правлениесининг аъзоси, фалсафа доктори Р. Штайгервальд «Меҳнаткашларни пролетар интернационализми ғоялари руҳида тарбиялаш — коммунистларнинг энг муҳим вазифаси» деган мавзуда, Гирма Хабте Габриэль «Октябрь социалистик революциясининг Эфиопиядаги революцион ҳаракат ривожига таъсири» тўғрисида, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги халқаро ишчилар ҳаракати институтининг директори Г. Нойберт «Европа коммунистик партияларининг конференцияси (Берлин) ва коммунистик ва ишчи партиялар, барча тараққийпарвар кучларнинг ҳамкорлиги» мавзуида илмий ахборотлар беришди.

ЧССР Фанлар академияси фалсафа ва социология институти директорининг ўринбосари М. Гулакова, БХР Фанлар академияси ҳозирги замон социал назариялари институти директорининг ўринбосари Д. Митев, ВСИП Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий Фанлар институтининг илмий ходими И. Сперулис, СССР Фанлар академияси халқаро ишчилар ҳаракати институтининг сектор мудири И. Н. Ундасинов, Ленинград кемасозлик институтининг кафедра мудири А. Н. Мельников, СССР Фанлар академияси тарих институтининг илмий ходими Н. К. Петрова, Козоғистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг катта илмий ходими Р. Н. Меликова, СССР Фанлар академияси халқаро ишчилар ҳаракати институтининг илмий ходими В. М. Гаврилов ва конференциянинг бошқа қатнашчилари ҳозирги даврда меҳнаткашлар халқаро бирдамлиги ва уни ривожлантиришнинг бир қанча актуал проблемалари юзасидан ахборот бердилар.

«Пролетар интернационализми: идеология ва маданият проблемалари» секциясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академиясининг ректори М. Т. Иовчук очди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабининг кафедра раҳбари Б. С. Попов «Ҳозирги шароитларда пролетар интернационализмининг мезонлари тўғрисида», Болгария Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Стойко «Социалистик маданият ривожининг интернационал жиҳатлари» тўғрисида, СССР Фанлар академияси адабиёт ва тил бўлимининг академик секретари, академик М. Б. Храпченко «Пролетар интернационализмининг ва социалистик маданият ривожининг принципиал масалалари» тўғрисида, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий Фанлар академиясининг кафедра раҳбари Ю. А. Лукин «Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари маданиятларининг интернационал бирлиги», СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Осимов «Социалистик интернационализм ва маданиятларнинг ўзаро бойиши ҳақида», Туркманистон ССР Фанлар академиясининг академиги Б. П. Полвонова «Ҳозирги шароитда ёшларни интернационал руҳда тарбиялашнинг базъи масалалари» тўғрисида ахборот билан чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти М. К. Нурмуҳамедов, Қирғизистон Давлат университетининг ходими Р. Очилова, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари К. Р. Ризаев, СССР Фанлар академияси этнография институти сектор мудирининг ўринбосари Л. М. Дробижева, ГБСП Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий Фанлар академиясининг илмий ходими Г. Фрейтаг, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ректори Х. Т. Турсунов, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг катта илмий ходими Қ. Х. Хоназаров ва бошқалар муҳокама этилаётган мавзунинг турли жиҳатлари хусусида илмий ахборотлар беришди.

Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

ХАСКОВО ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТОШКЕНТДА БЎЛИШИ

БОЛГАРИЯ Халқ Республикаси Хасково округининг делегацияси беш кун мобайнида Тошкентда бўлди. Делегация составида БКП округ комитетининг бўлим мудири Т. Загоров, «Марица» агросаноат комплексининг раиси Ж. Илиев, Димитров номли агросаноат комплекси раисининг ўринбосари П. Бакалов, Димитров номли агросаноат комплексининг инженери П. Пятков, «Хасковска трибуна» газета редакциясининг бўлим мудири В. Михайлов бор.

Болгар дўстлар область қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи билан танишдилар. Улар кўпгина колхоз ва совхозларда бўлдилар, колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ва совет органларининг раҳбарлари билан суҳбатлашдилар. Хасковолик меҳмонлар бир қатор илмий-тадқиқот институтларига бордилар.

Болгариялик дўстлар В. И. Ленин музейи Тошкент филиалининг экспозициялари билан танишдилар, Навоий номли Давлат академик театри спектаклида, Тошкент цирки томошасида бўлдилар.

Бугун хасковолик дўстларимиз Ватанларига жўнаб кетадилар.

16 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК



ТОШКЕНТДАГИ 10-автомобиль ремонти заводида беш йилликни муддатидан илгари бажариш ҳаракати кенг қулоч ёйган. Кўплаб илғор ишчилар бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажаришга бел боғлашган. Сиз суратда кўриб турган токарь Воҳид Абдураҳимов ва Рафқат Сулаймоновлар ана шундай ишчилардан бўлиб, улар айни пайтда 1978 йил ҳисобига маҳсулот топширишяпти.

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

Киров райони коллективлари 16 апрель куни бажариладиган ишлар режасини тузиб олдилар.

Коммунистик меҳнат байрамида район меҳнаткашларидан 60 минг киши қатнашади. Булардан 13 мингдан ортиғи саноат корхоналарининг ишчиларидир. Улар бевосита ўз машина ва станоклари ёнида ишлаб маҳсулот тайёрлайдилар. Юзлаб ишлаб чиқариш зарбдорлари шанбалик куни шахсий топшириқларини 1,5—2 баравар ошириб бажариш мажбуриятини олишган. Саноат корхоналарида жами 790 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Район территориясида кенг миқёсда ободончилик ва қўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади. Янги ҳиёбонлар барпо этилади.

Қизил шанбаликда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи актив иштирок этади. Улар шу куни 230 дона костюм ва болалар мактаб формаси, 180 минг сўмлик бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадилар. Шунингдек, райондаги 5-ғишт заводлари бошқармаси ишчилари ҳам ўз меҳнат постларида ишлаб 250 минг дона ғишт тайёрлайдилар. «Ўртоқ» кондитер фабрикаси қандолатчилари ҳам юксак марраларни белгилашган. Улар 87 тонна ширинликлар ишлаб чиқаришади.

Шанбаликда бу учала корхонада жами 4150 ишчи ва хизматчи қатнашади, 6 минг сўмдан ортиқ маблағ беш йиллик фондига ўтказилади. Район бўйича беш йиллик фондига 63,3 минг сўм ўтказилади.

С. СУЛТОНОВ.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

АЙНИ кунларда барча совет меҳнаткашлари қатори Оржоникидзе райондаги «Маданият» колхозининг аъзолари ҳам Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик — умумхалқ хашарида фаол иштирок этиш учун пухта тайёргарлик кўришмоқда.

— Қизил шанбалик куни далаларимизда ишлар қизғин давом эттирилади,— дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Рихсибой Йўлдошхўжаев.— Шу куни барча экинларни парваришлаш билан 20 гектар майдонга помидор кўчати ўтказамиз. Учинчи беш йиллик фондига минг сўм пул ўтказилади.

Доҳий В. И. Ленин таваллудининг 107 йиллиги ҳамда Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган меҳнат байрамида колхоз аъзолари 100 гектар майдондаги олма боғ ҳамда 32 гектар майдондаги узумзорларнинг қатор ораларига ишлов берадилар. Эртаки сабзавот экинлари парваришланади. Шанбаликда колхоз ветеранлари, пенсионерлар ҳам актив иштирок этадилар.

С. МИРЗАЛИЕВ.



«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлари юбилей йилида дала меҳнаткашларига кўплаб янги кенг қаторли сеялкалар етказиб бердилар. Бу эса баҳорги экиш ишларини барвақт ва сифатли якунлашга олиб келди. Суратда: навбатдаги кенг қаторли сеялкалар созланмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ШАҲАР ҲАШАРГА ЧИҚАДИ

МАМЛАКАТИМИЗ пойтахтидаги саноат корхоналари коллективларининг доҳий Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 107 йиллиги ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига 16 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусини Янгийўл шаҳар корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, муассасаларининг коллективлари ҳам қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Ишчи-хизматчилар шанбаликда ҳар қачонгидан ҳам унумли ишлаш, шанбаликни самарали, юксак кўтаринки руҳда ўтказишга аҳд қилишган.

Кўпгина завод-фабрикалар тежалган хомашё ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Шаҳардаги пахта тозалаш заводи шу куни 115 тонна тола ишлаб чиқаради.

Шаҳар бинокорлари шанбаликда 45 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришади. Бунда бажарилган ишларнинг бир қисми тежаб қолинган қурилиш материаллари ҳисобига бажарилади.

Шаҳардаги автотранспорт ходимлари ҳам шанбалик куни асосан тежалган ёқилғи ҳисобига ишлашади. 16 минг тонна халқ хўжалиги юклари белгиланган манзилларга етказиб берилади.

Шаҳардаги бошқа корхона ва ташкилотлар коллективлари ҳам умумхалқ хашарида актив иштирок этишади.

Умуман, шаҳар бўйича 27 минг киши шанбаликда қатнашади. Улар шанбалик куни 705 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Одатдаги иш кунларига қараганда меҳнат унумдорлиги анча ортиқ бўлиб, пландагидан уч процент кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. 130 гектар майдон тозаланади. 16 километр узунликдаги ариқлар тозаланиб, ремонт қилинади. Тўрт километр йўл ремонт қилиниб, уч минг квадрат метр кўчага асфальт ётқизилади. 63 минг туп гул кўчати экилади.

Учинчи беш йиллик фондига 36 минг сўм пул ўтказилади.

Т. ЮСУПОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҲУР ҚИЗЛАР

УЛАР йигирма икки дугона. Ҳаммалари бир колхоздан. Касблари ҳам, мақсадлари ҳам бир. Учинчи беш йиллик даврига келиб турсунойчи бу механизаторларнинг довруғи довон ошди.

Дугоналарнинг ҳар бири ҳақиқий устоз кўрган шогирдлардан. Аксарият қизларнинг ўзлари ҳам эндиликда устоз бўлишган. Улар даврасида бўлиб, суҳбатлашсангиз, эришган барча ютуқларимиз, қозонган обрў-эътиборимиз устозларимиз шарофатидан, дейишади. Дарвоқе, дастлабки сўз йигирма икки етук механизатор қизни тарбиялаган мураббийлар ҳақида.

ЕТМИШИНЧИ йилларда колхознинг тўрт механизатор қизи ҳақидаги шов-шув гаплар Сурангин қишлоғи бўйлаб кенг тарқалди. Улар турсунойчи механизаторлар сафидан ўрин олишга аҳд қилишиб, техника жиловини тутишди. Ерга чигит қадашдан бошлаб етиштирилган мўл ҳосилни қабул пунктларига етказиб беришгача бўлган барча ишларни техника ёрдамида бажариб, ажойиб маҳорат кўрсатдилар.

Шарифа Куролова, Бувайда Раҳмонова, Райҳон Шодиева, Ҳолида Шеровалар тенгдош, сирдош дугоналар. Ҳаммалари бир қишлоқда туғилиб, бир мактабда таълим олишган, бир касбни севиб танлашган. Бири ВЛКСМ XVI съездига делегат бўлди. Бирининг кўксини «Беш йилликнинг ёш гвардиячиси» нишони безаб турибди. Ҳар бири 20—30 колхозчининг юмушини бажараётир.

Тўрт дугонанинг ғайрат-шижоати колхоздаги кўплаб қизларнинг қалбига чўғ ташлади. Ҳа, техника сари дадил юриш бошлаб берган бу қалдирғоч механизаторлар қишлоқ аҳлининг фахр ва ифтихорига айланган. Сурангин қишлоқлик йигирма икки қиз улар изидан борди. Тўрт дугона эса уларга мураббий бўлди. Мана, уларнинг шогирдлари...

Бувайда ва Райҳон опамлар доимо кўмакдош бўлишди.

Учинчи беш йилликнинг иккинчи йилида колхозда механизациялашган комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этилди. Унга Шарофат Қипчоқбоева раҳбар қилиб тайинланди. Бригадага 110 гектар майдон ажратиб берилди. Аҳил қизлар коллективи ўзаро мусобақалашиб, хўжаликдаги илғор бригадалар билан басма-бас меҳнат қилиб, буюк инқилобнинг 60 йиллик тўйи нишонланадиган йилда энг яхши кўрсаткичларга эришишга қатъий қарор қилди. Кузги-қишки ишлар тўла ва сифатли бажарилди. Ерлар обдон текисланиб, зарур карталарнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Минерал ва маҳаллий ўғитлар керагича жамғарилиб, бир қисми ерларга солинди.

Бригада бошлиғининг ўзи бу йил «зангори кема»сида 180 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олиб, дугоналарини ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилишга даъват этди. Шарофатнинг ташаббусини биринчи бўлиб Муҳаббат Сирожиддинова қўллаб-қувватлади ва уни социалистик мусобақага чақирди.

Орзуга айб йўқ деганларидек, мақсадим катта. Қишлоқ хўжалик институтида сиртдан ўқиб, ҳақиқий пахтакор бўлмоқчиман.

Муҳаббат бешинчи синфда ўқиб юрган вақтида «Ким бўлмоқчисан?» деган эркин мавзуда ёзган иншосидаёқ механизаторлик касбини танлаганлигини аён қилган эди. Бундай бўлишига «Ушалган орзу» номли китобча сабаб бўлди. Бу китоб машҳур механизатор Турсуной Охунова ҳақидаги, унинг ўз орзуси йўлидаги изланишларини, кўрган-кечирган қийинчиликлари ҳақидаги жонли, таъсирчан ҳикоялардан иборат эди. Мана энди оддий бир ўзбек қизининг довруғи бутун дунёга машҳур. Бу албатта, меҳнат туфайли.

Меҳнат билан бахт эгизак. Сидқидилдан меҳнат қилган киши шубҳасиз бахтиёр бўлади. Муҳаббат ҳам меҳнати билан ҳақиқий бахтга мушарраф бўлганлардан. У область Советининг депутати сифатида кўплаб жамоатчилик ишларини бажаради.

Муҳаббат бригада бошлиғи билан мусобақалашишга аҳд қилиб, юбилей йилида 200 тонна «оқ олтин» теришга сўз берди.

УЛБЎСИН

Улбўсин Тожибоева ўтган йили мавсумда 230 тоннадан зиёд пахта териб, дугоналар ўртасидаги социалистик мусобақада голиб бўлди.

— Мен дугонам Шарофат хонга эргашиб механизатор бўлган эдим, — дейди Улбўсин. — Янглишмаган эканман. Эндиликда мен учун механизаторликдан бўлак улуғ касб йўқдек туюлади. Ҳаётимнинг бирор кунини техникасиз тасаввур қила олмайман. Зотан, бизнинг диёримизни «оқ олтин» ўлкаси, деб аташар экан, пахта бизнинг бойлигимиз, ифтихоримиз экан, бу соҳани тинимсиз ривожлантириб бориш техниканинг шарофатисиз мумкин эмас. Мен худди шу соҳанинг вакили эканлигим билан фахрланаман.

Улбўсиннинг гап-сўзлари, ҳатти-ҳаракати ўзига жуда муносиб, уятчан, камгап, аммо, жуда ишчан. Дугоналари орасида ўз ўрни бор. Шунинг учун ҳам қизлар уни севишади, ўнга қатъий ишонишади. Сўз бердими, албатта уддасидан чиқади.

МУҲАББАТ

Ўрта бўйли, нозиккина бу қиз мактабни тугатганидан сўнг бир йил оддий колхозчи бўлиб ишлади. Дугоналар техникага меҳр қўйишгач, у ҳам механик-ҳайдовчилар курсида ҳунар ўрганди. 1974 йилда илк бор «зангори кема» рулини бошқариб, шу йили 86 тонна пахта терди. Кейинги йили бу кўрсаткични 130 тоннага, ўтган йили эса 150 тоннага етказди.

— Ўтган йил мен учун унутилмас бўлиб қолди, — дейди Муҳаббат. — Мени Коммунистик партия сафига қабул қилишди. Билдирилган бу юксак ишончни янада баракалироқ меҳнатим билан оқлайман.

МУБОЛАҒА эмас, улар йигирма икки дугона. Бирн-бкридан қувноқ, бирн-биридан ишчан. Колхоз аҳлининг гувоҳ беришича, ўтган мавсумда хўжаликнинг салкам 40 процент пахтасини шу дугоналар териб беришибди. Шундан бери ёшлик ғайрати жўш урган, шижоати катта-ю, кичкина қойил қолдирган дугоналарнинг номи катта-катта йиғинларда завқ билан тилга олинаётир.

Анастасия Цой, Любовь Куроедова, Қолдигул Сирлибоева, Роза Худойқулова, Зинаида Зинченко, Равшаной Норматова... йигирма икки «зангори кема» капитани. Улар турли миллат қизлари. Аммо, орзу-истаклари бир. Ҳаммаси пахтакор. Ҳаммаси чигит экади. Гўза қатор ораларига ишлов беради. Ҳаммаси пахта теради. Дугоналар қадам босган ердан дур унапти. Дур ундираётган қизларнинг ҳаётн ҳам нурафшон. Ҳа, улар ҳур давримизнинг ана шундай ҳур қизлари.

Ҳ. ТЎРАЕВ,
А. ЙЎЛДОШЕВ,
Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз.

ШАРОФАТ

Кўриниши бошқа қишлоқ қизларидан фарқ қилмайди. Гап-сўзлари ҳам ўзи сингари оддий, лўнда. Аммо ишда шижоаткор, йигирма икки дугонага сардор.

1973 йилда ўрта мактабни тугаллаб, колхозда ташкил этилган қишлоқ ҳунар-техника билим юртида ўқиди. Техникага ихлоси баланд бўлган қиз билим юртини имтиёзли диплом билан тугатиб, механик-ҳайдовчи деган гувоҳнома олди.

Шу йили колхоз правление сидагилар унга ишониб, терим машинасини бериб қўйишди. Ана шу дастлабки йилнинг ўзидаёқ катта коллективнинг ишончи шараф билан оқланди. Зотан, дастлабки мавсумнинг ўзидаёқ 130 тонна пахта териш осон эмас. Бу ёш механизатор қиз учун катта меҳнат зафари эди.

— Машинада пахта териш баъзилар ўйлаганидек осон эмас экан, — дейди Шарофат. — Терим айни қизиган пайтда агрегатнинг бирор узели ишдан чиқиб қолса, уни дарҳол излаб топиш, созлаш маҳорат талаб этади. Бунинг устига шпинделларни тез-тез тозалаб туриш зарур. Бу ишда менга тажрибали механик Владимир Цойдан ташқари устозларим

ЭНГ ЯХШИ КИТОБЛАР— ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриётининг ижодий коллективи ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ана шундай шиор остида ишламоқда. Матбаачилар Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигига бағишлаб саноат, қишлоқ хўжалиги, фан-техника, маданий қурилиш ва бошқа соҳада эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи китобларни кўплаб чиқаришни мўлжаллашмоқда. Улар орасида «Улуғ Октябрь ва Совет Ўзбекистони социал структурасининг ривожланиши», «Социалистик демократия тантанаси», «Октябрь, маданият, интеллигенция», «Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги 60 йилда» сингари йирик асарлар, ўнлаб ижтимоий-сиёсий ва илмий-оммабоп адабиётлар, шунингдек, уч сернядан иборат турли тематик планлар бор.

ҲУҚУҚ БИЛИМЛАРИ ЛЕКТОРИЙСИ

ЁШЛАРНИ ҳуқуқ билимлари билан чуқурроқ таништириш мақсадида темирйўл транспорти техникуми ётоқхонасида ҳуқуқ билимлари лекторийси ташкил этилди. Яқинда унинг илк машғулотлари бўлиб ўтди. Унда «Билим» жамиятн аъзоси М. Левин «Ҳуқуқ ва ёшлар» деган мавзуда қизиқарли лекция ўқиди.

Лекторий программаси бир йилга мўлжалланган. Шу давр мобайнида техникум талабалари «Темирйўл транспортида ҳуқуқ нормаларининг бузилиши», «Совет қонунчилиги ва меҳнат», «Жиноят киши ҳаёти ва соғлигини ишдан чиқаради», «Энг асосийси — жиноятнинг олдини олиш» каби темаларда қатор лекциялар тинглайдилар. Ҳар бир лекциядан кейин тингловчиларни қизиқтирган саволлар бўйича савол-жавоб кечалари уюштирилади.

Ш. ТОҲИРОВ.

ГУЛЛАР ЧАМАНИ

А А В Ҳ А

Гул. Чиройли очилиб, кўзни қувнатадиган гулларни ким севмайди, дейсиз. Унга бир зум тикилиб, дилингиз ором олади. Хушбўйлигини айтмайсизми. Бири ўрта ёшроқ, иккинчиси ундан улуғроқ икки аёл чамандек очилиб ётган гуллар ичида юришарди. Кўчатлар оралиғида учраб қолган бегона ўтларни юлиб ташлашар, кўчатларнни авайлаб парвариш қилишарди.

— Офтобхон, келинг, мана бунн суяшворинг. Новдаси синмасин, жониворнинг, Мавлуда опа шеригини кўмакка чақирди.

Новдалар баланд, ҳиёл ёнбошга эгилса, синиб кетиши мумкин. Иккиси бир бўлиб, парник ичини чаманзорга айлантирган гул новдаларини «тараб» юришарди.

Дилларидан эса «бу гулларнинг атиги 3-4 донаси дасталанса, ажойиб совға бўлади, юбилей, икки ёшнинг никоҳ тўйи столини безайди, севишганларга эса висол армуғони... Эҳ-ҳе, ҳосияти кўп бу жонли гулларнинг» деган фикр ўтарди.

Икки аёл бу секцияда ишни тугатиб, бошқасига, помидорлари ҳақиқатан қизариб турган парникка ўтишди. Унинг ичи иссиқ, ҳосил тез пишиб, шошириб қўйган. Бу ёқдан териб олиш, шу билан бирга парвариш ҳам қилиш керак. Деҳончилик кўп сермеҳнат касб-да. Қарасанг иш чиқаверади. Чопиш, ўташ, сув бериш — тупроқ шуни ҳоҳлайди. Экинга меҳр қўйган сарингиз у яшнаб, сизни ўзига мафтун этади. Офтобхон Асадова, Мавлуда Ниёнова, Ҳумайра Имиддиновалар шу парникларда миллион-миллион кўчат етказиб бераётган асл деҳқон аёллар. Нилига парникда уч-тўрт қайта кўчат етиштиришади. Декабрь ойининг охирида экнан помидорлари, мана, гарқ пишди. Яқинда далага уч ярим миллион туп карам кўчати чиқариб берилди. Бунинг ўрнига экилган помидор уруғидан яна бир миллион туп кўчат тайёр бўлди.

Бир секцияда кўм-кўк бодринг, у ҳам кўчат ўрнига экилганди. Жуда қисқа муддатда етилмоқда.

Бундай қараганда мўъжиза дейсиз. Лекин, кўп йиллик тажриба, ўз ишига меҳр қўйган жафокаш кишиларнинг меҳнати меваси бу! Шу таърифлаётган бу хўжалик Тошкент районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг 1-бўлимига қарашли. Парник хўжалигининг мудири Икромжон Исоқжонов:

— Опахонларимиз ҳақиқий меҳнаткаш. Бўлмаса парник иши жуда майда, ҳар бир кўчат қўлда олинади, ўтоғи бор, ишлови дегандай. Лекин, уларнинг қўллари машина бўлиб кетган, — дейди, аёлларнинг ишидан мамнун бўлиб, — улар ҳақида қанча ёзсангиз кам. Бу йил, айниқса, енг шимаришган. Октябрь инқилобининг 60 йиллик юбилейини катта ютуқлар билан қарши олишмоқчи.

Парникдан узоқлашар экансиз унинг чиройли манзараси, пастак, лекин чамандек гуллаган янги нав олма дарахтлари, қатор атр гулларн кўз ўнгимиздан нари кетмасди.

Ф. УСМОНОВА.

ПИЛЛА УРУҒИ ТАЙЁРЛАШ МАШИНАЛАРИ ИСТИҚБОЛИ



СУРАТЛАРДА: [юқоридан]. ПИЛЛАНИ лослардан тозалайдиган машина.
ПИЛЛАНИ катталиги бўйича саралайдиган машина.
ПИЛЛАНИ жинсига қараб ажратадиган автомат.
ҚУРТИ ўлиб қолган пилларни ажратадиган автомат.

ҚИШЛОҚ хўжалик ишлаб чиқаришнинг мавсумий соҳаси бўлган пиллачилик кўп меҳнат талаб қиладиган, нисбатан паст даражада механизациялашган соҳа ҳисобланади. Шунинг учун бу тармоқдаги қолоқликни бартараф этиш, пилла етиштириш технологик жараёнларини механизациялаш ва имкони борича автоматлаштириш ҳамда пиллачиликни саноат асосида ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ипакчилик Бош бошқармаси қошида «Шелк» махсус конструкторлик бюроси ташкил этилган.

Ҳамма соҳада бўлгани каби, пиллачиликда ҳам кейинги йилларда меҳнат унумдорлигини ва пилла сифатини ошириш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Пилла сифатини оширишда уруғчилик катта ўрин тутади. Бунда «Шелк» махсус конструкторлик бюроси тарқибидаги пилла қурти уруғини тайёрлаш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш бўлими актив фаолият кўрсатмоқда. 1973—1977 йиллар мобайнида бўлим томонидан бир қатор машиналар яратилди ва ишлаб чиқаришда синаб кўрилди. Шулардан бири пиллани лослардан тозалайдиган машинадир. Бу машинанинг ҳозирги вақтда пилла уруғи заводларида ишлаб турган афзаллиги — бир қатор технологик жараёнлар автоматлаштирилганлигидир. Машинада ишлаётган операторнинг вазифаси фақатгина машина бункерига етарли миқдорда пилларни ташлаб туришдан ҳамда лослардан тозаланган пилларни ва тўпланиб қолган лосларни олиб туришдан иборат бўлади. Бундай машиналар ишлаб чиқаришга жорий қилинса, меҳнат унумдорлиги икки-уч марта ошади, тозалаш сифати эса аъло даражага кўтарилади.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

Бўлим ходимлари томонидан яратилган янгиликлардан яна бири —пилларни катта-кичиклигига қараб группаларга саралайдиган машинадир. Машинанинг тузилиши жуда содда ва қулай бўлиб, унда ҳамма жараёнлар автоматлаштирилган. Машина уюмдаги пиллани доналаб олиб, уларнинг бўйи ва катта-кичиклигига қараб саралайди. Бу машина ишлатилганда меҳнат унумдорлиги олти-саккиз маротаба ошади.


Уруғчиликда пилларни жинсларга ажратиш технологик жараёни айниқса, сермашаққат ва мураккаб ҳисобланади. Бу иш қисқа муддат ва катта аниқликни талаб қилади. Ҳозирги вақтда республикамизнинг барча уруғчилик заводларида бу жараён конструкторларимиз томонидан яратилган автоматлар ёрдамида бажарилмоқда.

Автомат пиллаларни доналаб олиб берадиган РК—1 маркали машина уларни жинсларга ажратувчи ОПК аппарати ва группага бўлинган пиллалар учун керакли саватчалардан иборатдир. 1976 йилда Фарғона зотли уруғ станциясида 7 та ана шундай автомат ишлатилди. Бунда меҳнат унумдорлиги уч-тўрт марта ошди.

Пилла саралашдаги яна бир мураккаб технологик жараён қурти ўлиб қолган пиллаларни ажратишдир. Ихтирочи конструкторларимиз бу ишга ҳам қўл урдилар. Қурти ўлиб қолган пиллаларни юқори даражали аниқлик билан ажратиб берадиган автомат яратдилар. Автомат меҳнат унумдорлигини уч-тўрт марта оширади. Ўлик пиллаларнинг сонини 1,5—2 процентга камайтиради.

Юқорида кўрсатилган машиналарни бир-бири билан бириктириб ҳар сменада 500 килограмм пиллани саралайдиган автоматлашган конвейер ҳолига келтириш мумкин. Бу иш ўтган йилги мавсумда синаб кўрилди. Натижада меҳнат унумдорлиги 6—8 марта, пилланинг сифати эса 10—15 процентга оширилди.

А. МИРЗАХЎЖАЕВ,
«Шелк» махсус конструкторлик бюросининг ходими.





● Л. СУЛАИМОНОВ Оржоникидзе районидаги «Қизил Октябрь» боғдорчилик совхозининг илғор механизаторларидан. У боғ ва токзорлар қатор ораларига ишлов беришда ҳамкасбларига намуна кўрсатаяпти.

И. Хонкелдиев фотоси.

ҚАРДОШЛАРИМИЗ ТАСВИРИЙ САНЪАТИ

ТОШКЕНТДА қардош республикалар тасвирий санъати кўргазмаси ҳамиша катта қизиқиш билан кутиб олинади. Уларнинг асарлари мутахассислар эътиборини ўзига жалб этади, томошабинларни ҳаяжонга солади. Ўз-ўзидан маълумки, ҳар бир мана шундай кўргазмада бенхтиёр мамлакатимиз тасвирий санъатининг умумий оқимида ўзининг оригинал ишлари билан ажралиб турувчи янги рассомларни кўрамиз, уларнинг асарлари билан танишиб, дилимизда асраб юрган рассомлар ёнига янги рассомлар номини қўшамиз.

ШУНИНГ учун ҳам Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Марказий кўргазма залида очилган Қозоғистон ёш рассомларининг кўргазмаси томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Бу кўргазма Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган бўлиб, ўзбек тасвирий санъат шинавандаларини Қозоғистон халқининг шу давр ичида эришган маданий ютуқлари билан таништиришдан иборатдир.

Қозоғистон тасвирий санъатига асос солиб, унинг бешигини узоқ йиллар кекса авлод вакиллари — Кастеев, Ильина, Телжонов ва бошқалар тебратиб келди. Уларнинг сермазмун ижоди қозоқ рассомларининг кейинги авлоди санъатини тараққий эттиришда ҳам мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди.

Сўнгги йилларда Қозоғистон рассомлар союзи Ленинград, Москва рассомлик олий ўқув юртларида, Олмаотадаги рассомлик билим юртида таҳсил кўрган ёшлар билан ўсди. Агар кекса авлод вакилларининг севимли жанри кўпроқ манзаравий тасвир бўлган бўлса, ёш рассомларнинг ижоди жанр бўйича ҳам, тематик жиҳатдан ҳам хилма-хилдир.

Кўргазмада намойиш этилаётган тасвирий, график ва ҳайкалтарошлик асарларида қозоқ халқи ҳаётининг барча муҳим босқичлари қамраб олинган. Улуғ Октябрь социалистик революцияси, гражданлар урушв даври, биринчи беш йилликлар, Улуғ Ватан уруши, тинч қурилиш давридаги Қозоғистон меҳнаткашларининг экономика, фан ва маданиятни тараққий эттиришдаги мислсиз ютуқлари, тинчлик учун кураш ва халқаро ҳамкорлик сингари босқичларни тасвирлаш ёш қозоқ мўйқалам усталари полотноларининг асосий сюжетидир.

Т. Дўсмагамбетов, В. Раҳмонов, Р. Умархонова, Н. Қулсеитова, С. Калмажонов, Н. Абежеков, Е. Мергенов ва бошқалар ўзларининг мустақил ижодларини муваффақият билан бошлаганлар. Бу рассомларнинг ҳаммаси ҳам бир-бирига ўхшамайдиган, хилма-хил ижодий йўл танлаган, ўз услубига эга санъаткорлардир.

Биз кўргазмада бадиий масалаларнинг ҳар хил ҳал этилишини кўрамиз. Албатта, бундай бўлиши табиий. Чунки ҳар бир рассом ўзининг санъаткорлик ниғоҳини ва дунёқарашини, ўзининг индивидуаль ижодий услубини ўстиришга ҳамда ҳимоя этишга тиришади. Биноварин, Н. Абеженовнинг «Овулда биринчи дарс», М. Кисаметдиновнинг «Кўёш ҳам чиқди», В. Тимофеевнинг «Ердаги ҳаёт учун» расмларида қозоқ халқининг тақдирида рўй берган революцион ўзгариш кезлардаги ички бир пафос ва қудратни очиб беришга ҳаракат қилинган. Қўйилган масала, асосий мақсад бир хил. Лекин турлича, ўзига ҳос равишда ҳал этилган.

Инсон ҳаёти табиат билан боғлиқ. Бу ҳол айниқса, Қозоғистон кенгликларининг инсон ҳаёти билан узвий боғлиқлигида сезиларли даражада кўзга ташланади. Қозоқ халқи ҳаётининг барча турмуш босқичлари ва иқлим шароитига мос ишлар билан шуғулланиши мана шу узвий алоқани ифодалайди. Шу сабабли Қозоғистон рассомларининг тасвирий санъатида ўзига хос картиналар, яъни табиат манзаралари ва турмуш манзаралари лавҳаси қўшилиб кетган расмлар яратиш кенг тарқалган. М. Хитхўжановнинг «Оқтом яйловида», Э. Иристоевнинг «Ер», М. Жунусовнинг «Саҳрода оқшом» каби асарлари ҳудди мана шундай типга мансуб картиналардир. Улар бевосита ҳақиқий воқеликнинг тасвирланиши ҳамда ҳаққоний сюжетлар асосига қурилганлиги билан диққатни жалб этади. Шу билан бирга бу асарлар ҳаётни шундайлигича жўн кўчиришдан йироқ. Уларда ҳал қилувчи муайян бир образли тасвир композицияси жиҳатидан ҳам, энг позик ранг фарқларини кўрсата билиш жиҳатидан ҳам моҳирона чизилган. Шунингдек, Улуғ Ватан уруши йилларидаги совет кишиларининг қаҳрамонлигини акс эттирган расмлар ҳам томошабинларда ҳаяжонли қизиқиш уйғотади. Бунга А. Сабуговнинг «Хайрбод» ва бошқаларнинг хилма-хил расмларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Тасвирий санъатнинг муҳим жанрларидан бўлган портретда ҳам қардошларимиз кўпгина муваффақиятларни қўлга киритган. Совет портретчи рассомларининг анъаналарини давом эттира бориб, ёш мўйқалам соҳиблари портретда давр руҳини беришга, замондошларининг ўзига ҳос қайтарилмас характерини кўрсатишга, конкрет қаҳрамонлик, гражданлик ёки шахснинг лирик бошланиши орқали умумий инсоният интилишини тасвирлашга ҳаракат қилганлар. Жумладан, ёш, лекин жуда ҳам моҳир К. Дуйсенбоевнинг асарларида рассомнинг ўзига ҳос мўйқалами, индивидуаль бадиий маҳорати кўзга яққол ташланади. Унинг «Ота» портретини характери жиҳатидан ўта замонавий асар десак, муболаға бўлмас. Портретнинг композицияси ҳам яхши. Рассом аҳлли, зукко, чуқур ўй ва кечинмаси нуроний чеҳрасига кўчган, фақат меҳнаткашларгагина хос бўлган бақувват қўлга эга меҳнаткаш инсон образини кўз ўнгимизда гавдалантиради.

Рассом В. Кирсев ўзининг ижодий ишларида кўпроқ композицион-психологик портретлар муаммосини очишга уринади. Унинг «Сакен Сайфуллин портрети» асари бу соҳада эришган ютуқларидан биридир.

Агар Қозоғистон тасвирий санъатида тасвирий санъат энг тараққий этган соҳалардан бири бўлса, ҳайкалтарошлик энг ёш соҳалардан биридир. Т. Дўстмагамбетов, В. Раҳмонов, Т. Андрюшейко, Е. Мерганов ва бошқа ёш ҳайкалтарошлар ўз асарлари билан кўргазмада муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Улар ўз ижодий ишларида ранг-баранг нафис таъсирчанлик воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. В. Раҳмонов ўзининг «Студент қиз портрети», «Сора портрети» асарларида лирик темани ўзига хос равишда акс эттиради. Шунингдек, В. Раҳмонов ёғочга ўйиб ишлашда ҳам, образни бронзага кўчиришда ҳам анчагина маҳоратга эга. Ёғочга ишланган «Ҳаёл», бронзадан ишланган «Ойгул», «Ира» асарлари шулар жумласидандир.

Кўргазмада графикага оид расмлар ва амалий санъат асарлари ҳам кенг намойиш этилмоқда. В. Иманасовнинг «Ўрушдан қайтмаган шоирлар», М. Кисаметдиновнинг «Қўёш ҳам чиқди», Т. Кенжабоев ва бошқаларнинг бир қанча график асарлари диққатга сазовордир.

Албатта, кўргазмада иштирок этаётган ҳар бир рассомни тўла намоён этувчи барча расмларини намойиш этишнинг имкони йўқ. Лекин Тошкентда намойиш этилаётган Қозоғистон ёш рассомлари асарлари шу нарсадан гувоҳлик бериб турибдики, қозоқ тасвирий санъатида ажойиб воқеа рўй берган. Яъни географик доираси ниҳоятда кенгайган ва юксак чўққилар сари дадил қадам ташланмоқда.

Т. ОДИЛБЕКОВ,
Э. МУҲАМЕДОВ.

Пешқадам соғувчи

Яқинда Бўка районидаги «Ленин йўли» колхози чорвачилик фермасида март ойининг сўнгги ўн кунлиги якунланди. Социалистик мусобақада яна моҳир сут соғувчи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Анор Усмонова ғолиб чиқиб, мукофотни қўлга киритди.

Анор Усмонова ўз қарамоғидаги сигирларни меҳр билан парвариш қилишдан ташқари кўплаб шогирдлар етиштирмоқда. Унинг шогирдларидан Асолат Облонова ўтган йили 18 бош сигирнинг ҳар биридан 3051 литрдан сут соғиб олди.

Илғор соғувчининг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва малакали кадрлар тарбиялаш соҳасидаги ҳалол меҳнатлари Октябрь революцияси ордени билан тақдирланди. Бундан руҳланган Анор Усмонова юбилей йилида ҳар бош сигирдан 3600 литрдан сут соғиб олишга сўз берди.

М. ТОИРОВ.

МАККАЖЎХОРИЗОРЛАРДА

ОҚҚЎРҒОН. (ЎзТАГ). Оққўрғон районининг маккажўхоригорлари экинларни культивация қилишга киришдилар. Карл Маркс номли колхозниг Қўчқор Ҳайдаров бошлиқ бригадаси тупроқни юмшатишни биринчи бўлиб бошлаб берди. Механизаторлар бу ишни юксак агротехника даражасида олиб бормоқдалар. Юмшатиш билан бир вақтда ерга минерал ўғит ҳам солинмоқда. Бригада 54 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнер ёки ўтган йили етиштирилганидан 16 центнер кўп дон олишга қарор қилди.

Владимир БУШИН

ИККИ ЙЎЛ

Владимир Бушин ҳужжатли ҳикоялардан иборат янги китоб устида иш олиб бормоқда. Унинг бош қаҳрамонлари — Карл Маркс ва Фридрих Энгельс.

Қуйидаги ҳикоядаги воқеа 1849 йилда бўлиб ўтади. Кельнда Маркс ва Энгельс редакторлик қилган «Янги Рейн газетаси» ёпилгандан кейин, улар қўзғолон бошланган Баден ва Пфальцга йўл оладилар. Қўзғолон раҳбарлигини майда буржуазия демократлари эгаллаб олган эдилар. Пролетариат доҳийлари революцион воқеаларни фаоллаштириш сари интилишларида ана шуларнинг тўсқинлигини енгиш учун кураш олиб бордилар.

Баден пойтахти — Карлсруэ Франкфурт-Майннинг жанубғарбидан бир юз ўттиз чақирим нарида жойлашган. Орадаги масофа унча узоқ бўлмаса ҳам Маркс ва Энгельс ун бир неча жойда тўхтаб босиб ўтдилар. Бунинг боиси бор эди. Улар Дармштадт, Хеппенгейм, Вейнгеймдан ўта туриб, бу ерда содир бўлган аҳволни диққат билан ўрганиб чиқдилар. Майнгейм ва Людвигсхафенда бўлганларида эса қўзғолоннинг маҳаллий раҳбарлари билан учрашдилар. Манзара ранг-баранг бўлиб, умуман кишига тасалли бермасди. Ҳамма ерда бепарволик, фаолиятсизлик ҳукмрон эди.

Маркс ва Энгельс қўзғолон раҳбарларига Франкфуртга ҳарбий юриш уюштириш лозимлиги ҳақида фикрни уқтиришига қарамай, улар ҳарбий юришни Миллий мажлис чақириғисиз уюштириш мумкин эмаслигини очиқдан-очиқ айтдилар. Сеҳрланган халқага ўхшарди, бу. Лекин, дўстлар бу халқани Баден пойтахтидан узиб ташлашга умид боғлардилар.

Улар Карлсруэга йигирма учинчи май эрта билан етиб келдилар. Ҳаммаёқда шундоқ уфуриб турган баҳор ҳукмрон, ҳадемай ёз келишидан дарак бериб турарди. Шаҳар устидаги онда-сонда кўзга ташланиб турган баҳор-ёз булутларининг манзараси, гоҳида кечикиб гуллаган сирень, гоҳида атрофдаги майсазор ва далаларнинг дилни қитиқловчи хушбўй ҳиди димоқларга уриларди. Лекин, бу ерга келганларни жанубий немисларнинг гўзал баҳори мафтун қилаолмасди.

Эртаси куни соат бирга «Париж» меҳмонхонасида зиёфат ўтказиш белгиланган бўлиб, бунда Маркс ва Энгельс Баден Вақтли ҳукумати раҳбарлари билан учрашишлари керак эди. Дўстлар белгиланган вақтда етиб келдилар. Меҳмонхона вестибюлида одамлар тўпланишиб турар, ҳали зиёфат бошланмаган, ҳамма бош министрни кутарди.

Ҳеч ким сезмаган Маркс ва Энгельс бурчакка қараган йўл устидаги хонага кирдилар, диванга ўтириб, кута бошладилар.

Бир неча минут ҳам ўтмаган эдиларки, эшикдардан бири очилиб, хонага эллик ёшлардаги уст-боши бетартиб кийинган киши кирди. У бу хонадан қаергадир шошилинч ўтмоқчи эди. Дўстлар ширин суҳбатга берилиб, кириб келган кишини ҳам пайқамай қолдилар. Лекин унинг ўзи улар олдида тўхтади:

— Жаноблар! Е тавба, тушимми, ўнгимми? Наҳотки бу сизлар бўлсангиз? Қайси шамол учирди? Салом бердик!

Бу Арнольд Руге эди. Маркс бундан беш йил илгари Парижда у билан биргаликда «Немис-француз йилномасини» нашр қилган эди. Ҳамкорлик оғир кўчди, чунки редакторлар ҳар бир нарсага бутунлай бошқача, бир-бирига асло тўғри келмайдиган фикрда бўлардилар. Унинг устига Руге-нинг ўтакетган очкўзлиги билиниб қолди. У биргина редактор эмас, ношир ҳам эди. Шундай бўлардики, баъзида Марксга уларнинг «Йилнома» нусхаси бўйича ҳақ тўланарди. Бундай одамга нисбатан меҳрокибат совуши учун шунинг ўзи кифоя қиларди. Ўтган йиллар давомида бошқа сабаблар ҳам кўз очди: Руге борган сари сиёсатдон савдогар ва вайсақи фалсафачига айланиб борарди.

Улар қўл бермай кўришишди. Маркс сўз бошлади:

— Қайси шамол учирди, деяпсизми? Биз журналистлармиз. Журналист тақдири бизни тўғри келган томонга бошлаши мумкин ва бошлайди ҳам. Бунга ҳайратланмасак ҳам бўлади. Сизнинг Франкфуртдаги ўрнингиз совиб қолмадими.

ҲИКОЯ

Ахир сиз Миллат мажлиси депутатисиз-ку-

— Ҳа, албатта, — ғурурланиш ўрнига довдираб жавоб қилди Руге. — Баден ҳукумати мен учун мавриди келмаган бир фурсатда содиқ қулингизни Франция элчиси бўлиб боришини илтимос қилганини айтмайсизми.

— Элчи?! — ҳайратомуз сўради Энгельс.

— Ҳа, элчи! Икки йил Парижда яшаганим ўзингизга маълум...

— Шунча вақтни беҳуда ўтказибсиз, лоақал француз тилини ўрганиб олганингизда ҳам бўларди, — қайғу билан бош чайқади Энгельс.

— Ҳаммада ҳам сендаги тилларни ўрганиш қобилияти бор, деб ўйлайсанми? — деди Маркс ҳайрихоҳлик оҳангида.

— Дарҳақиқат, — деди бундай ҳайрихоҳликдан қувониб кетган Руге. — Ундан кейин, мени француз тилини мутлақо билмайди, деб ўйламанг.

— Мен «мутлақо» деятганим йўқ. Менимча, элчи қайси мамлакатга борса ўша мамлакат тилини билиши керак.

— Менинг секретарларим бўлади-ку!

— Э, ҳа, ҳали секретарлари... Шундай бўлса ҳам файласуф ва публицист, ношир ва Умумгерман парламентининг депутатини Баден элчиси ўрнида кўриш ғалати туюларкан. Ҳамма сизни ўзингиз кашф этган воқеалар ақлининг редактори мавқеида кўришга ўрганиб қолган, — Энгельс «воқеалар ақлининг редактори» сўзларига алоҳида урғу бериб таъкидлади, чунки бу сўзлар Ругега тегишли бўлиб, бир йил бурун Умумгерман миллат мажлисининг асосий вазифаси «воқеалар ақлини таҳрирлаш» деб эълон қилган эди. — Наҳотки Франкфуртга қараганда Парижда немис воқеалари ақлини таҳрирлаш осон бўлса?

Руге ўз йўлидан тўхтаб, улар билан саломлашганидан, гапга бу ерга қайси шамол учирди? Бу ерда кимни кутаяпсиз?

— Сир сақлаш учун бизда ҳеч қандай асос йўқ, шундай эмасми, Фридрих? — Маркс Энгельсга қаради, кейин Ругега. — Бу ерда бир учрашув белгиланган.

Руге жуда жонланиб кетди:

— Балки сизлар зиёфатга таклиф қилингандирсиз? Айтишларича, Брентанонинг ўзи зиёфатга ташриф буюрармиш...

— Бу зиёфатни жаноб Брентано бизнинг шарафимизга бераяпти, — деди Энгельс суҳбатдош юзидаги ҳайрат ва ҳасад сояси қуюқлашиб бораётганини мириқиб кузатаркан.

Руге бир дақиқа тинди, шу топда у нималарнидир тарозига солиб кўрар ва қалбидаги туғён билан кураш олиб борарди. Ниҳоят у оғиз жуфтлади:

— Жаноблар, сизларга зўр илтимос бор... Эски дўстлигимиз ҳурмати... Бутунлай бемаъни англашилмовчилик... Бир неча кун илгари ҳақиқатдан ҳам мен Парижга элчи қилиб тайинланган эдим. Жўнашга ҳозирлик кўриб турувдим. Аммо бугун эрта билан Брентано мени чақириб, ишончсиз ёрлиғини чўнтагимдан тортиб олди.

Дўстлар биргаликда кулишди.

— Лоақал бир сабабини ҳам айтмади, — деди тутоқиб кетган Руге.

— Мана бу одат! — хитоб қилди Маркс кулгини бироз босмоқчи бўлиб.

— Ўз ички ишлар министри, разведка орқали, сизнинг французь тилини билишингизни сезиб қолмаганмикан? — кулгисини тўхтатаолмай лукма ташлади Энгельс.

— Флориан Мердес орқалими? — ҳазилни тушунмай жиддий оҳангда қайта сўради Руге.

— Балким сиз Брентанони тушунмагандирсиз, у сизни Франциянинг Парижга эмас, биз турган «Париж» меҳмонхонасига жўнатмоқчи бўлгандир, — авжига чиққан кулгида Энгельснинг елкалари силкиниб кетди. Маркс ҳам кулгига қўшилди. — Кўраяпсизки, сизни бехуда муборакбод этган эканман!

— Жаноблар, сизлардан илтимос қиламан. — Руге уларнинг қўлидан ушлаб олди, — Брентано билан суҳбатлашганингизда, ҳақиқий ҳукмдорлар бундай қилмаслигини унга айтиб қўйинглар. Ёрлиқни менга қайтариб берсин, ёрлиқ аслида меники ,мен Парижга боришим керак. Мен ҳамиша сизларнинг иқрор қилиш санъатингиздан қойил қолардим.

Маркс ва Энгельс бундан бир неча дақиқа илгари кириб келган эшик зарб билан очилди, башанг кийинган бир кимса пайдо бўлди.

— Жаноблар, бу ерда доктор Маркс борми? Энгельс-чи?.. Эй, худойим! Сизлар бу ерда экансиз-ку! Сизларни бутун меҳмонхона бўйлаб излашаяпти. Ҳамма йиғилди. Сизлардан эса дарак йўқ. Марҳамат, тезроқ...

Руге ҳовлиқиб қолди:

— Мен сизлар билан бирга бораман. Мен ўзим ҳақимда гапириб беришим керак. Бор гапни билишим керак.

Энгельс деди:

— Майли...

Маркс елкасини қисди:

— Бунинг иложиси бўлармикан, жаноб Руге? Ҳукумат зиёфати-ку!

— Майли, қорнини тўйғазиб олар, — яна кўл силтади Энгельс. — Шундоқ ҳам азоб чекиб турибди! Бир Париж ўрнига бошқасига келиб қолибди. Майли, борақолсин. У файласуф-ку — кўп овқат ермиди...

Марксниг шу топда ҳазилга майли йўқ эди. Ругенинг ҳукумат аъзолари жамиятида пайдо бўлишининг асло фойдаси йўқлигини, дўсти сингари Маркс ҳам яхши тушунарди.

...Брентано Маркс ва Энгельсни икки ёнига ўтказмоқчи эди. Аммо, меҳмонлар суҳбатлашиш имкониятини важ қилиб, зиёфат столининг бошқа томонида бир-бирларига юзмаюз ўтириб олишди.

Фурсати келиб гап-сўз тингач, Брентано қадаҳни кўтариб, деди:

— Жаноблар! Қўзғолонимизга бир ярим ҳафта бўлишига қарамай, ватан кўлгина энг зўр кишиларининг нигоҳини ўзига қаратди. Карлсруэга революциянинг бизларга таниш машҳур арбоблари «Янги Рейн газетаси» редакторлари доктор Маркс ва ҳамкасби Фридрих Энгельс келиши, орамизда бўлиши, мана шу дўстлик столида ўтиришининг ўзи сўзимизнинг ёркин мисолидир.

Брентанонинг овози тантанавор, у жон-дилидан гапирар эди. Бу ўттиз ёшли адвокат яхшигина маҳаллий артист ҳам эди. Унда шуҳратпарастлик, айёрлик ва бироз билармонлик уйғунлашиб кетганди. У одамларнинг дилига кира билар, бу эса унга доимо қўл келарди. Унинг бу қобилияти бундан ўн кун илгари 13 майда, қўзғолон ғалаёнидан қўрқувга тушган улуғ герцог Леопольд қочиб, Баденнинг Вақтли ҳукумати тузилганида, жуда ҳам қўл келди. Лоренц Брентано ана шу Вақтли ҳукумат бошлиғи бўлиб олди. У ўз кабинети аъзолари орасида, балким, ҳаммасидан ҳам ақллироқ ва тадбиркорроқ эди.

[Давоми бор].

РЕСПУБЛИКА КОНКУРСИ

Конкурснинг асосий вазифаси — ўтган ғолибона 60 йил мобайнида совет халқи қўлга киритган муваффақиятларни кўрсатувчи материалларни кенгроқ эълон қилишишга эришишдан иборат. Энг яхши материаллар учун мукофотлар таъсис этилди: битта биринчи мукофот — 200 сўм, иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 150 сўмдан, учта учинчи мукофот—ҳар бири 100 сўмдан.

Конкурс якунлари 1977 йил декабрь ойида чиқарилади.

ЎЗБЕКИСТОН Журналистлар союзи правленнеси Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланиб матбуотда эълон қилинадиган, телевидение ва радио орқали эшиттириладиган энг яхши материаллар учун республика конкурсини эълон қилди. Бу конкурс «Шонли советлар мамлакатининг кишилари» шиори остида ўтказилади.

ОҚ УЙДА СУҲБАТ

ВАШИНГТОН, 13 апрель. (ТАСС). Америка Қўшма Штатлари президенти Ж. Картер Оқ уйда СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добрынин билан учрашди.

Суҳбат чоғида Совет-Америка муносабатларининг ҳозирги масалалари ва ҳар икки томонни қизиқтирган бошқа халқаро масалалар муҳокама қилинди.

Суҳбатда АҚШнинг вице-президенти У. Мондейл, давлат секретари С. Вэнс ва президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси З. Бжезинский қатнашдилар.

ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИК

ГАВАНА. Кубада кўпчиликка манзур бўлган «Радио орқали рус тилини ўрганиш» мавзуидаги эшиттириш тингловчилари ўртасидаги конкурс ғолибларини мукофотлаш мустаҳкам Куба-Совет дўстлигининг чинакам байрамига айланди. Яқинда Москва радиоси, ВЛКСМ Марказий Комитети ва Кубанинг «Радио ребельде» радиостанцияси томонидан ўтказилган конкурсда ўн минглаб кишилар қатнашдилар. СССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети номига биринчи даврининг саволларига жавоб берилган 8000 га яқин мактуб юборилди. Шундан кейин Гаванада ва Кубанинг бошқа шаҳарларида одатдан ташқари бу конкурснинг иккинчи даврасн ўтказилди. Шу конкурс ғолибларидан 12 киши Совет Иттифоқига саёҳат путевкаси билан мукофотланди.

(ТАСС, 13 апрель).

Дунё овози
Чет эл хабарлари

БАҒДОДДАГИ УЧРАШУВЛАР

БАҒДОД, 13 апрель. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети президиумининг аъзоси Р. Х. Ҳамзатов бошчилигидаги совет жамоатчилиги делегацияси бугун Араб социалистик уйғониш партияси умумараб раҳбарлигининг аъзоси Зайд-Ҳайдар билан учрашди.

Томонлар халқаро вазият ва Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисида фикрлашиб олдилар. Улар прогрессив кучларнинг бирлигини мустаҳкамлаш ва империализм ҳамда реакциянинг кирдикорларига қарши, Яқин Шарқда адолатли тинчликни таъминлаш учун курашни кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Р. Х. Ҳамзатов совет кишилари араб мамлакатларидаги прогрессив кучлар томонида қаттиқ турганлигини ва Яқин Шарқдаги можаро адолатли тарзда ҳал этилишини талаб қилаётганлигини таъкидлади. КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари Л. И. Брежнев совет касаба союзларининг XVI съездида сўзлаган нутқида мазкур можарони ҳал этишга эришиш программасини баён қилиб берган эди.

З. Хайдар ўз навбатида дўстона Совет-Ироқ муносабатларининг барқарорлигини ва араб ҳамда совет халқларининг империализмга қарши кураш мақсади мушараклигини уқтириб ўтди. У Араб социалистик уйғониш партияси тарихий воқеа-жаҳон ижтимоий тараққиётининг бутун боришини ўзгартириб юборган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига катта аҳамият бераётганлигини айтди.

Кейинчалик Ироқ Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Аэиз Муҳаммад бошчилигидаги Ироқ компартияси раҳбарлиги билан самимий дўстона учрашув бўлиб ўтди.

А. Муҳаммад совет жамоатчилиги делегациясини табриклаб, ироқ жамоатчилиги КПССнинг, Совет ҳукумати ва халқининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун, шу районда мустаҳкам тинчлик учун араб халқи олиб, бораётган курашга мадад бериш йўлидаги ғайрат-ҳаракатини юксак қадрлайди, деб таъкидлади.

Р. Х. Ҳамзатов совет жамоатчилиги номидан Ироқ коммунистларига қизғин табриклар топширди ва уларнинг ишларида муваффақиятлар тилади.

ЗАМБИЯ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ЛУСАКА, 13 апрель. (ТАСС). Бугун Замбия ҳукуматининг шу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: Заир Замбия осмон чегарасини бузиб, ғарби-шимолий вилоятдаги Замбия қишлоқларини ва касалхонани бомбардимон қилди.

Заир самолётлари Замбия осмон чегараларини икки марта бузганлигини баёнотда уқтириб ўтилади. 9 апрелда икки самолёт Икеленге районидаги Шингамфунжи Манганго қишлоғини бомбардимон қилди. 11 апрелда яна икки самолёт Келене районидаги касалхонага бомба ёғдирди. Натижада хизматчилардан бир неча киши ярадор бўлди, бинога шикаст етказилди. Ўша куни Ньякасея районига бир неча бомба ташланди.


Лусака радиоси қуйидагиларни таъкидлади: ирқчи режимлар Замбияга қарши бир неча марта қуролли игвогарлик қилган эди, лекин Замбия мустақил деб эълон қилинганидан кейин биринчи марта Африкадаги мустақил давлат томонидан осмондан ҳужумга учради ва бомбардимон қилинди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

✦ ВАРШАВА. Польша Халқ Республикасида совет фани ва техникаси кунлари давом этмоқда. Шу муносабат билан Варшавада очилган «Космос-77» виставкасини шу пайтгача 200 мингдан ортиқ киши томоша қилди. Виставка Совет Иттифоқининг космик фазони ўзлаштириш соҳасида эришган муваффақиятларини акс эттиради. Экспозицияни кўришни истаган кишилар ҳар куни павильонга кираверишда навбат кутиб туришибди. Виставка муваффақият қозонганлиги сабабли унинг ишини яна икки ҳафта давом эттиришга қарор қилинди.

✦ ДАККА. Бангладеш пойтахтида Жаҳон метерологияси ташкилотининг Осиё учун тузилган маҳаллий уюшмасининг тўртинчи сессияси очилди. Сессия ишида Бангладеш, Бирма, Ҳиндистон, Покистон, Шри Ланка, Таиланд делегациялари, шунингдек бир қанча халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашмоқда. Ҳинд океани ҳавзасидаги мамлакатларда катта вайронгарчилик келтирувчи тропик циклонлардан ҳимоя чоралари программасини ишлаб чиқиш — сессиянинг кун тартибида турган асосий масаладир.

✦ НЬЮ-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий ва социал кенгашининг 62-сессияси очилди. Сессия 13 майгача давом этади. Иқтисодий, социал ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакт ҳамда гражданлик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қандай бажарилаётганлигига доир масалалар сессиянинг кун тартибига киритилган. (ТАСС).



● ВАРШАВА. Польша пойтахтидаги Старое Място бозори ўрта аср поляк меморчилигининг ажойиб ёдгорлигидир.

ЦАФ — ТАСС фотоси.







„ХАСКОВО“ УНИВЕРСАМИ

БОЛГАРИЯНИНГ Хасково округи билан областимиз меҳнаткашлари ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқалари ўрнатилган. Ана шу дўстликнинг рамзи сифатида область шаҳар ва районларида хўжалик, кўча, ташкилот номи «Хасково» деб аталади. Яқинда Бешқайрағоч массивидаги Уйғур кўчасида қад кўтарган яна бир масканга ана шундай ном берилди. Бу «Хасково» универсамидир. Октябрь озиқ-овқат савдосига қарашли бу павильон замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатишга мослаб қурилган бўлиб унинг савдо зали майдони 420 квадрат метр.

Суратда: (юқорида) универсамнинг умумий кўриниши, (пастда) савдо залларида хизмат пайти акс эттирилган.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.



ЛЕНТАЛАРДА ЗАМОН ҚАҲРАМОНИ

«ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ» студиясининг ижодий коллективи юбилей йилида бир қатор янги телефильмларни яратиш устида қизғин иш олиб бормоқда. Ҳозирги вақтда суратга олинаётган «Пахтакорлар» картинасида машҳур заршунослар Тўлан ва Мамажон Дадажоновлар онласи ҳақида ҳикоя қилинса, «Миллионер шаҳарлар» туркумига кирувчи бошқа бир картинада гўзал пойтахтимизнинг жамоли, тошкентликлар ҳаёти ва уларнинг бунёдкорлик меҳнатлари акс эттирилади.

Бу йил студияда Марғилон «Атлас» комбинати, машҳур «Баҳор» ансамбли, бугунги гўзал ва чароғон қишлоқларимиз жамоли, қорақалпоқ шоликорлари тўғрисида ҳикоя қилувчи, замондошларимизни нурли лентaларда гавдалантирувчи ва мадҳ этувчи фильмлар ҳам суратга олинади.

ҚУВНОҚ САТРЛАР

ШОШИЛИНЧ ЖАВОБ

ХАРИДОР торозидан уриб қолаётган сотувчига деди:

— Сизларда инсоф борми?

Бутун эътибори торозида бўлган сотувчи беихтиёр жавоб берди:

— Йўқ, бу ойда олиб келишмади.

УИҚУЧИ

БОШЛИҚ ходим қизга танбеҳ берди:

— Ҳар куни ишга кечикиб келасиз, нима, будильник соатингиз йўқми?

— Бор, лекин ухлаб ётганимда жиринглайди-да, — деди қиз.

КИТОБСЕВАРЛАР

ИККИТА китобсевар йигит суҳбатлашар эди:

— Мен китобни қўлга олишдан олдин уйини шамоллатиб, чангини артадиган, қўлини совун билан ювадиган кишигагина китоб бераман, — деди биринчи йигит.

— Мен эса, қайтариб берадиган одамга китоб бераман, — деди иккинчиси.

Тўпловчи Ҳ. ИСОМИДДИНОВА.

Реклама ва эълонлар


ХУШБЎЙ ИСЛИ

САМАРҚАНД ШАҲРИНИ ТУРИЗМНИНГ МАРКАЗИ ДЕЙДИЛАР. Бу шаҳар ўзининг қадимий маданият ёдгорликлари ва ажойиб анъаналари билан машҳурдир. Совет республикалари ва жаҳоннинг турли мамлакатларидан бу шаҳарга келаётган туристларнинг оқими йил сайин кўпайиб бормоқда.

«ГУРИ АМИР», «ШОҲИ ЗИНДА», «РЕГИСТОН» АТРЛАРИ ВА ОДЕКОЛОНЛАРИ УЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА ЭНГ ЯХШИ ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИДИР. ҚАДИМИЙ МЕЪМОРЛАРНИНГ ИЖОДИ — «ШОҲИ ЗИНДА» ГУМБАЗИ, «ГУРИ АМИР» МАҚБАРАСИ ВА ҚАДИМИЙ САМАРҚАНДНИНГ ЮРАГИ ҲИСОБЛАНГАН РЕГИСТОН МАЙДОНИ КЎРИНИШЛАРИ ТАСВИРИ ТУШИРИЛГАН ҚУТИЧАЛАРГА ФЛАКОНЛАР СОЛИБ ЧИҚАРИЛМОҚДА.

ТОШКЕНТ ПАРФЮМЕРИЯ-КОСМЕТИКА ФАБРИКАСИНИНГ МУТАХАССИСЛАРИ АТРЛАР ЭНГ ХУШБЎЙ ХИД ТАРАТИШИ УЧУН ҲАРАКАТ ҚИЛДИЛАР.

«РЕГИСТОН» АТРИДАН ЕҚИМЛИ ГУЛЛАРНИНГ МАЙИН ВА ХУШБЎЙ ИСЛАРИ ТАРАЛИБ ТУРАДИ.



ЭНГ ЯХШИ СОВҒА ВУЮМЛАРИ КОНКУРСИДА ТОШКЕНТ ПАРФЮМЕРИЯЧИЛАРИНИНГ АНА ШУ ЯНГИЛИКЛАРИГА БЕЗАЛИШИ ВА ҲИДЛАРИНИНГ МУАТТАРЛИГИ УЧУН ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ МУКОФОТ БЕРИЛДИ.

Ўзбекистон меҳмонлари ва тошкентликларнинг ўзлари ана шу атрларни муносиб баҳолашларига ишонамиз.

ТОШКЕНТ ПАРФЮМЕРИЯ-КОСМЕТИКА ФАБРИКАСИ, «УЗТОРГРЕКЛАМА».

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

БОШЛАНИШИ ЯХШИ

ЎТГАН куни мамлакат XXXX футбол чемпионати биринчи лигаси қатнашчилари дастлабки ўйинларини ўтказишди. Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари ўз майдонларида Свердловскнинг «Уралмаш» командасини қабул қилишди. Стадионга йиғилган кўп сонли футбол мухлислари командамиз бу ўйинда ғолиб келишига ишонишган бўлсада, лекин ўйин қай йўсинда ўтиши, ҳисоб қандай бўлишини ҳеч ким айтиб беролмасди.

СССР кубоги учун Благовещенскнинг «Амур» ҳамда Тбилисининг «Динамо» командаси билан бўлган ўйинларни кўтаринки рухда ўтказган пахтакорчилар чемпионатнинг биринчи ўйинига ҳам ўша составда тушишди. Дастлабки минутларда майдон эгалари таклиф этган юқори суръатни меҳмонлар қабул қилишди. Лекин орадан 10 минут ўтмаёқ хатога йўл қўйишганлигини тушунишди. Теэкорлиқда Владимир Федоров, Тўлаган Исоқов, Виктор Чуркин, Александр Корченовларнинг устунлиги яққол сезилиб турарди. Рақиб ҳимоячилари уларнинг ҳужумини бартараф этишга қийналишарди. 11-минутда команда капитани В. Войтенко (меҳмонларнинг энг тажрибали ўйинчиси бўлган бу ҳимоячи бутун ўйин давомида В. Федоровни назорат қилди) ўнг қанотдан ёриб ўтган ҳужумчимизни чалиб йиқитди. Судья штраф тўпи белгилади. Михаил Ан ҳужумчиларга ёрдамга келган Олим Ашировга тўпни узатди. Ҳимоячимизнинг зарби шунчалик кучли эдики, тўп дарвоза тўсинига теккач, чизиқдан ўтиб, қайтиб чиқди. Судья марказни кўрсатди. Биринчи тўп ана шундай вазиятда киритилди. Трибунадаги мухлисларнинг ҳаяжони босилмасданоқ, таблода 2:0 рақами пайдо бўлди. Тўлаган Исоқовнинг узатган тўпини Владимир Федоров бошқа билан дарвоза бурчагига йўналтирди.

Ўйиннинг иккинчи бўлими ҳам майдон эгаларининг устунлигида ўтди. Лекин меҳмонларнинг вақти-вақти билан қилган ҳужумлари хавфли бўлди. Ана шундай қарши ҳужумларнинг бирида Свердловск футболчиларни ҳисобни очишлари мумкин эди. Лекин дарвозабон Олег Чечотин хатосини ҳимоячиларимиз тузатиб, тўпни қайтариб қолишди. 67-минутда рақиб дарвозабони билан яккама-якка чиққан Виктор Чуркинниг зарбаси хато кетди, хавфли вазият гўё бартараф этилганди. Лекин Тўлаган Исоқов (бу ўзи учун ҳам, меҳмонлар дарвозабони учун ҳам кутилмаган ҳол бўлди) боши билан йўналтирган тўп дарвозанинг ўнг бурчагига келиб тушди. «Уралмаш» командаси соқчиси Н. Леонов қўпол хатога йўл қўйганлигини унинг хатти-ҳаракати яққол кўрсатиб турарди. Учрашувга Владимир Федоров нуқта қўйди. Ў 77-минутда рақиб ҳимоячиларини алдаб ўтиб, кучли зарб билан тўртинчи тўпни киритди. «Пахтакор» дастлабки ғалабага эришди.

Биринчи ўйин мухлисларда қандай таассурот қолдирди? Футболчиларимизнинг спорт формаси қандай. Биз бу саволга учрашув судьяси, Бутуниттифоқ ва халқаро тоифадаги судья Валентин ЛИПАТОВ сўзларни билан жавоб бермоқчимиз:

— Мавсум энди бошланаётганлигини назарга олсак «Пахтакор» яхши формада. Лекин камчиликлар ҳам йўқ эмас. Менимча, Константин Бакланов ансамблдан ажралиб қолаётганга ўхшайди. Қанот ҳужумчи бўлиб танилган А. Корченов бу мавсумда ҳимоячилар билан ҳужумчилар ўртасида «боғловчи» вазифасини бажараяпти. Бу вазифа футболчидан катта куч ва тажриба талаб қилиши ҳаммага аён.

Мавсум энди бошланди. Ҳали кетма-кет ғалабалар, дуранглар, мағлубиятлар ҳам бўлади. Ўйлаймизки, «Пахтакор» мавсумни яхши бошлаган экан, кейинги учрашувларни ҳам ана шундай баҳамжиҳат, ғалабага интилиб руҳида ўтказишади.

Биринчи турнинг бошқа учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Спартак» (И.Ф) — «Спартак» (М) — 0:1, «Металлург» — «Динамо» (Л) — 1:1, «Кривбасс» — «Динамо» (Мн) — 1:4, «Помир» — «Кузбасс» — 3:1, «Торпедо» — «Рубин» — 2:0, «Колхозчи» — «Звезда» — 1:0; «Спартак» (Ор) — «Таврия» — 0:1, «Нистру» — «Шинник» — 0:0, АСК — (Ростов-Дон) — «Терек» — 1:1.

Ш. УМУРЗОҚОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси.

ЧЕМПИОНЛАР УСТОЗИ

Сержант Али Самерхонов Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларида бўлиб ўтган шиддатли жанглардаёқ ўзини жасур солдат, моҳир спортчи эканлигини намойиш этди. У бошқараётган танк фашистлар билан бўлган қонли тўқнашувда душманнинг катта техникаси ва солдатларини яксон қилди. Бир неча немис танкини ишдан чиқарди. Лекин куч жиҳатидан устун бўлган душман Самерхонов танкини ёндириб юборишга муваффақ бўлди. Аланга ичида қолган танк экипажининг биронтаси тирик қолишига умид йўқдек туйиларди. Фашистлар ҳам шундай деб ўйлаган эдилар.

Жангдан кейин Али Самерхонов сафга қайтмагач, дўстлари уни ўлди қаторига кўшиб, жангчи онасига таъзия билдириб, қуйидаги мазмунда мактуб йўллашган эди: «Ўғлингиз Али Самерхонов немис-фашистлари билан бўлган жангда мардонавор курашиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди».

Лекин сержант Самерхонов аланга ичида қолган танкдан ўзигина чиқиб қолмай, дўстларининг қутулишига ҳам ёрдам берди. Бунда унга спорт билан шуғулланган қўл келди. Уз қисмидан ажралиб қолган танкчилар уч кун ўрмон ичида қолиб кетишиб, сўнг яна ўз бўлинмаларига қўшилишга муваффақ бўлишди. Дўстлар қайта дийдор кўришишди. Шунда сержантга, уйига нохуш хабар йўллаганликларини айтишди. Ўғил ўша куни дарҳол онага мактуб ёзди.

Сержант Али Самерхонов яна неча ўнлаб ва юзлаб шаҳар ҳамда қишлоқларни душмандан тозалашда дўстлари билан ёнма-ён жанг қилди. Унинг кўрсатган жасорати ва мардлиги муносиб тақдирланди. Она шаҳрига ғалаба билан қайтган Али Самерхоновнинг кўксини Қизил Юлдуз, Улуғ Ватан уруши, Шуҳрат орденлари ва бир неча медаллар безади.

Урушдан сўнг Самерхонов яна ўзи севган спорт тури — классик кураш билан шуғулланишни давом эттирди. Шаҳар, область, республика миқёсида ўтказилган турли мусобақаларда қатнашиб, бирин-кетин ғалаба қозона бошлади. «Локомотив» жамияти Бутуниттифоқ турнирида ғолиб келиб, жамият чемпиони бўлди.

Йигирма йил мобайнида донг таратган Али Самерхонов Тошкент шаҳар чемпиони, кейинчалик Ўзбекистон, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари чемпиони унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистон полвонлари орасида СССР спорт мастери деган юксак унвонга биринчилар қаторида муяссар бўлди.

Йиллар ўтиши билан ғалабалар қийинчилик билан қўлга киритиларди. Полвон спорт билан ҳайрлашишни ўйласа, алланечук бўларди. Ў бир умрга севиб қолган курашни ҳеч тарк этгиси келмасди. Лекин начора. Шундай қилишга тўғри келди. Аммо умрини спортга ҳадя этишга қарор қилган полвон яна сафда қолди. У узоқ йиллар давомида орттирган бой тажрибасини ёшларга ўргата бошлади.

Бугунги кунда республикамиз полвонларининг деярли ҳаммаси Али Хисомовични жуда яхши танишади. Уларнинг кўпчилиги кураш алифбесини мана шу устоздан ўрганишган. Бугунги кунда юзлаб шогирдлар тайёрлаган моҳир устоз талабалари орасида таниқли спортчилар — мамлакат ва республика чемпионлари ҳам бор. Буларнинг бири Юрий Зеленидир. У Ўзбекистоннинг бир неча марта чемпиони, мамлакат биринчиликларида эса беш марта совриндор бўлган. Али Самерхоновдан кураш сирларини ўрганган Юрий Зеленининг ўзи бугунги кунда Ўзбекистон терма командасига устозлик қилмоқда. Халқаро миқёсдаги СССР спорт мастери Владимир Егоров ҳам Али аканинг шогирдларидан. Бу спортчи СССР биринчиликларида саккиз марта совриндор бўлди, беш марта эса республика чемпиони унвонини олган.

Али аканинг ўғли Владимир Самерхонов ота изидан бориб СССР спорт мастери нормативини бажарди. Ҳозирда у ҳам отаси сингари устозлик қилиб, ёшларга тажрибасини ўргатаяпти.

Йигирма йилдан зиёд тренерлик қилаётган бу устоз «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер» деган фахрий ном эгасидир. 32 спортчи Али Хисомович рақбарлигида СССР спорт мастери, 160 дан зиёд полвон эса мастерликка номзод ва биринчи разряд нормативларини бажарди. Кўплаб моҳир спортчилар тайёрлашдаги катта меҳнати эвазига у СССР спорт комитетининг қарори билан «Физкультура аълочиси» нишонига сазовор бўлди.

Ўлиб—тирилган довюрак жангчи, моҳир спортчи, тажрибали устоз ҳамон сафда. У бой тажрибаларини ёшларга ўргатмоқда.

Ш. ҚОСИМОВ, Д. УСМОНОВ.



СУРАТДА: тренер А. Самерхонов бўлажак чемпионлар даврасида.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ҲИСОБ ЯНА ТЕНГ

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони билан бўладиган учрашувга даъвогар бўлган Спасский ва Горт ўртасидаги қўшимча тайинланган икки ўйинда ҳам ғолиб аниқланмади. Иккинчи ўйинда совет шахматчиси устунлик қилган бўлсада, бу ғалаба учун етарли бўлмади. Шундай қилиб ҳисоб яна тенг — 7:7 бўлиб қолди. Рақиблар яна икки ўйин ўтказишадиган бўлди.

ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

Пойтахтдаги «Динамо» стадиони теннис кортларида мамлакатнинг энг кучли спортчилари иштирокида Бутуниттифоқ турнири ҳал қилувчи босқичга кирди. Группалардаги саралаш ўйинлари тугаб, финалчилар аниқланди. Аёллар баҳсида О. Морозова, М. Чувирина, Е. Бирюкова, М. Крошиналар финалга йўлланма олиб, 1—4 ўринлар учун ўзаро беллашадиган бўлишди. Эркаклар мусобақасида эса мукофотли ўринлар учун москвалик теннисчилар курашни давом эттиришади. Булар З. Коротков, К. Пугаев, А. Богомолов ҳамда Е. Поздняковлардир.

ОЛТИН ВА БРОНЗА

Москва яқинидаги Коломно шаҳрида самбо бўйича ёшлар ўртасида СССР биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда қатнашган тошкентлик динамочи Омон Валиев 52 килограммгача полвонлар баҳсида куч синашиб, биринчи ўринни эгаллади ва олтин медаль билан тақдирланди. «Меҳнат» жамияти вакили Сергей Левчин учинчи ўринни олди.

ДАЪВОГАРЛАР ТУРНИРИ

Днепропетровскда волейбол бўйича эркаклар ўртасида келаси йил олий лигада қатнашишга даъвогар бўлган олти команда ўртасида финал ўйинлар бошланди. Тошкентнинг «Динамо» волейболчилари биринчи турда Днепропетровскнинг «Автомобилист» командаси билан бўлган кескин баҳсда 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги ишчи-мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти бугун ўтказилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Китоб сенинг ҳаётингда. 11.15 — «Оила тарихи». Телевизион спектакль. (1-боб). 12.15 — Миллионлар ленинча университети. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Н. Островский. «Пўлат қандай тобланди?». 16.40 — Жонажон мамлакатимиз бўйлаб. Белоруссия ССР. 17.10 — Капитан Энрикининг соати. Бадиий фильм. 18.30 — Москва ва москваликлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.10— Музикали абонемент. 19.50 — Жавосизжиноят. 20.20 — «Камалак». 21.00 — Визнинг биография. 1940 йил. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Футбол. «Торпедо» — «Черноморец». 00.15 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиёт. 12.00 — Топаган бола. Бадиий фильм. 13.15—Санъат гунчалари (такрорий). 18.30 —«Ешлик». 19.00 — Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. 19.20 — БАМ —дўстлик ва мардлик трассаси. (2-кўрсатув). 19.40 — Ахборот. Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси. 20.00—Фильм-концерт. 21.00 — Ахборот. Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси. 21.30 — Иттифоқчи республикалар телевизион фестивали. Туркманистон телевидениеси программаси. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Телевизион фестивалнинг давоми.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 —Болалар учун фильм. 19.30 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.00— Тошкент райони ўнинчи беш йилликда. 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — Фильм-концерт. 21.20 — «Мутахассисликка дебоча».

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15|IV да Севги тумори, 16|IV да Анда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15|IV да Кўнгли ёш қариялар, 16|IV да Жон қизлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15|IV да Тўй муборак қари қиз (билетлар сотилган), 16|IV-да Фақат ақл сотилмайди.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — дунёда ягона лилипутлар ревюси иштирокида МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.30).

Кино

Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими (3-4 серия) — «ВОСТОК», «МОСКВА», «НУКУС» (кундуз ва кечкурун).

Сен менинг кўшиғимсан — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 НИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун), «КЎКЧА», «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Бормисан, марказий ҳужумчи — «ИСКРА» (19.30).

Азизим Робинзон — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИИЛ. ЛИГИ» (10, 12, 14.00).

Тоғ қироли ва бошқалар (13, 14, 16.00), Малиновада тўй (18, 20.00): — «ПИОНЕР».

Альп воқеаси — «КОМСОМОЛ 30 НИЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 03314. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1604.